

Бир Фармон шарофати

ЯЛПИ МАҲСУЛОТНИНГ 50 ФОИЗИ ишбилармонлар ҳиссасига тўғри келаяпти

Бугунги кунгача мавжуд кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 7078,2 миллион сўмини ташкил қилди. Тадбиркорлар манфаатини ҳимоя этувчи ва уларга амалий ёрдам кўрсатувчи вилоят палатасининг туманларда 12 та бўлими мавжуд. Хизмат саломини кегайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида палата қошида ахборот-маслаҳат марказлари фаолият кўрсатиб келаяпти.

ишлар қилинапти. Шу мақсадда жорий йилдан иш бошланган хомашё биржасининг аҳамиятини алоҳида таъкидламоқ лозим. Эндиликда ишбилармон ўз фаолиятини юргизиш учун зарур бўлган металл ёки бошқа хомашёни қарндандир сарсон бўлиб излаб, қим-

лик қилиниб, «Чет эллардан ҳамкор излаш» мавзусида ўтказилаётган семинар-кеңашлар ўз самарасини бераёпти. Шунингдек, вилоятда тадбиркорликни кенг ёйиш ҳамда сифатли маҳсулотлар тайёрлашда «Энг яхши тадбиркор», «Ишбилармон фермер», «Хунармандчилик бобо касбим» каби бир қатор кўриктанловларнинг самараси ўлароқ, соҳада сезиларли натижаларга эришишга имкон туздириди.

Шулар қаторида ўз фаолиятида ишлаб чиқаришни ривожлантириш хоҳишини билдирган ишбилармонлар учун республикамизда ишлаб чиқарилаётган минитехнологиялар бўйича каталоглар ҳам тайёрланди.

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,
Хоразм вилояти
тадбиркорлар палатаси
раиси



Республика ҳукумати ташаббуси билан ташкил қилинган «Мароқанд» тизими-га Хоразм вилоят палатасининг уланиши тадбиркорларга яна бир қўлайлик яратди. Ушбу тизим орқали ишбилармонлар ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотга харидор ва керакли хомашёни излаб топиш янада осонлашди.

Масалан, сўнгги даврда вилоятимиздаги 81 та тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган 519 турдаги маҳсулотлар «Мароқанд» тизимига киритилди. Шунингдек, «Экспортни ривожлантириш маркази» бўлими ҳам омилкорларни хомашё билан таъминлашда яқин кўмақдошга айланган.

Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вилоятда хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Украинанинг миллий космик агентлиги ва «Металлурговтоматика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасидан кичик технологиялар тўғрисида 40 дан ортиқ тақлиф олди ва жойларга тарқатди. Айни пайтда шу давлат ишбилармонлари ҳамкорлигида иккита қўшма корхона тузиш юзасидан амалий ҳаракатлар олиб борилапти.

Тадбиркорларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишда назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларда мутахассисларнинг иштироки ҳам муҳим аҳамият касб этапти. Бу ўз вақтида ишлаб чиқаришда ноқонуний аралашувларнинг барҳам топишига имкон берди. Айтайлик, ўтган йилнинг дастлабки икки ойида 24 та худди шундай ҳолат содир этилган бўлса, шу кунгача бирор марта кузатилмади.

Маҳсулот етиштирувчи субъектларни хомашё базасига янада яқинлаштириш уларни республикамизда ва чет элда ишлаб чиқаришда минитехнологиялар билан таъминлаш борасида ҳам талайгина

матли вақтини йўқотиб юрмайди. Чунки биржа тадбиркорнинг бу муаммосини ҳал этган.

Тадбиркорликни янада ривожлантириш учун бу соҳага кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш масаласи диққат-эътиборда турибди. Палатанинг жойлардаги бўлимлари ҳамкорлигида қисқа муддатли тадбиркорлик асослари ўтиляпти. Айтайлик, рўйхатдан ўтиш олдидан 1765 та, бизнес режалар тайёрлаш курсида 550 та, инвестицион ҳужжатлар тайёрлаш курсларида 62 нафар тадбиркор ўқитилди. Бундан ташқари, Урганч давлат университети билан ҳамкор-

Вазирлар Маҳкамасининг фермер хўжаликларини ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилингандан сўнг оила-аъзоларимиз билан маслаҳатлашиб, «Ражаб-Тоҳир» номли фермер хўжалиги тузишга аҳд қилдик. Шу мақсадда ширкат хўжалигининг 130 гектар ер майдони ажратилди. Бахтимизга ширкат хўжалиги мутасаддилари ҳам қараб туришмади. Шартнома шартларига кўра, ўғит, техника билан таъминлашда, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишда мадад бериб туришди.

Дастлабки йилда пахта ва галладан мўл ҳосил олишга муваффақ бўлдик. Хонадонимиз аъзолари қаторида 55 нафар ишчи ҳам рағбат кўришди. Олинган фойда ҳисобидан чорвачилик хўжалигини ташкил қилдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 60 бош қорамол 130 бошга етди. Бу тармоқни янада кенгайтириб, олинаётган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаш имкониятини яратди. Шу мақсадда Исроил технологияси асосида бир навбатда икки тонна сутни қайта ишлашга ихтисослашган кичик корхонани ишга туширдик. 12 нафар киши меҳнат қилаётган бу ерда ҳозирги вақтда сарийғ, пишлоқ, қаймоқ, бринза каби саккиз хилдаги пархезбол маҳсулотлар тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Шунингдек, Урганч туман ва шаҳар

БОЛАЖОНЛАРГА АЖОЙИБ ТУҲФА

халқ таълими бўлимлари тасарруфидаги 55 та мактабгача таълим муассасаларига шартнома асосида бозор нархидан бир ярим баравар арзон нархларда сут ва қатиқ маҳсулотлари етказиб бераёғимиз. 12 та хусусий болалар боғчаси билан эса маҳсулот етказиб бериш бўйича истиқболли шартномалар тузилган.

Ўтган йили сутни қайта ишлаш кичик корхонамиздан 15 миллион сўм соф даромад олинди. Шунинг ҳисобидан фаолиятимизни янада кенгайтириш қаторида ишчиларимизни рағ-

батлантириб ҳам бораёғимиз. Уларга ойлик маошдан ташқари ҳар ойда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бепул тарқатилмоқда.

Фермер хўжалигимиз хайрли, саховатли ишлардан ҳам четда қолаётгани йўқ. Ўтган даврда ногирон-

лар жамиятига 250 минг, «Меҳрибонлик уйи»га 200 минг, шифохоналарга 650 минг сўмлик кўмак кўрсатилди. Меҳр ва мурувват йилида эса кўп болали ва қарамоғида ҳеч кими бўлмаган 8 та оилани оталигимизга олдик. Дарвоқе, жорий йилда ихтисослашган болалар боғчаси қуриб, жажжи фарзандларимизга туҳфа қилиш ниятидамиз.

Ҳикмат РАЖАБОВ,
Урганч туманидаги «Ражаб-Тоҳир» фермер хўжалиги аъзоси

БУ АККУМУЛЯТОРЛАР барчага манзур

«Миниакумулятор» масъулияти чекланган жамиятимиз ўн уч йил аввал кадмий оксиди ишлаб чиқарадиган линияни сотиб олиб иш бошлаганди. Орзу бошқа, ҳаёт бошқа экан. Дастлаб корхонани юргизиш ва зарур маҳсулотни топишда анча қийинчиликлар бўлди.

Бирок ўттиз кишилик жамоа аҳлининг ҳамжиҳатлиги ва соҳани пухта ўзлаштириб, меҳнатга астойдил ёндошгани муаммолар ечимига йўл топди. Тегизиш ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб 600 тонна хомашёни қайта ишладик. Тайёрланаётган маҳсулот нафақат юртимиз бозорларида, балки қўшни Туркманистон ва Россия давлатларидаги ишбилармонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Истеъмолчи талаб-эҳтиёжидан келиб чиқиб, корхона цехларини кенгайтирдик ва у ҳозирги кунда ойига 30 тонна хомашёни қайта ишлаш имкониятига эга. Янги цехларда яна 12 та ишчи ўрни яратилди. Ёшларни корхонага жалб этишдан аввал уларни ўқитаямиз, ҳунар ўргатиб, сўнг иш бошлашга шароитлар қилинаёпти.

Яқинда яна бир янги линияни ишга туширдик. Бу чехда асосан техника-

лар учун аккумуляторлар тайёрланиб, йилига 2500 дона маҳсулот истеъмолчига етказиб берилаяпти. Яна бир жиҳати – аккумулятор ишлаб чиқаришга ихтисослашган цехимиз республикада ягона.

Ҳукуматимиз меҳнатимизни ҳисобга олиб, муносиб тақдирлади. «Тадбиркор – 2000» кўрик-танловида иштирок этиб, Республика босқичида Президент саврини – «Нексия» автомобиллини қўлга киритишга муяссар бўлдик.

Юртимизда тадбиркор фаолиятига берилаётган бундай эътибор жамоамизни янада изланишга, корхона имкониятларидан унумли фойдаланиб, янги-янги маҳсулотлар турини кўпайтиришга ундамоқда. Ишлар изга тушиб, иқтисод мустаҳкамланган, хайрия ва саховатлар қилишга ҳам имкон туғиларкан. Тўрт нафар бокувчисини йўқотган қарияларни оталиққа олганмиз. Улар ҳолидан тез-тез хабардор бўлиб, моддий қўллаб-қувватлаямиз. Шифохона, мактаб ва боғчаларга баҳоли-қудрат мадад кўрсатаёғимиз.

Арслон ҚАЛАНДАРОВ,
«Миниакумулятор» масъулияти чекланган жамият раиси

ЯНГИ СПОРТ ЗАЛИ

Яқунланган йил «Шовот-донмаҳсулотлари» очик турдаги ҳисдорлик жамияти меҳнат аҳли учун эсда қоларли бўлди. Бошқача айтганда, жамоанинг тадбиркорлик ила иш юритгани зов кетмади. Аҳолининг нон ва нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш борасида қилган ҳалол меҳнати натижасида жамоа 80 миллион сўмга яқин соф даромадга эришди. Бу – ҳар бир акцияга 37 сўм дивиденд дегани. Корхонада ўтган йили қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилди.

Меҳр ва мурувват йилида жамоа аҳли саховатли ишларни янада кўпайтириш ниятида тумандаги кам таъминланган 15 та оила фарзандларининг суннат тўйини ўтказди. Бундан ташқари, марказий касалхонага «Дамас» автомашинасини совға қилди. Корхона саховатидан, айниқса Пахлавон Маҳмуд номли мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари беҳад хурсанд. Бойси, улар ҳисдорлик жамияти ҳисобидан замон талабига жавоб берадиган 250 ўринга мўлжалланган спорт залига эга бўлишди. Умуман қоронганинг бу борадаги ишлари жуда кўп. 14 та кам таъминланган оилаларни ўз қарамоғига олгани, 23 нафар ногиронга ҳомийлик қилиши, тумандаги тўртта болалар боғчасини оталиққа олиши, учта умумий ўрта таълим мактабларини жорий таъмир ишларида қўллаб-қувватлаши, шунингдек, сарфазандли оилалардан саккизтасининг фарзандларини доимий оталиққа олиш ва моддий қўллаб-қувватлаш шулар жумласидандир.

К. ҚУРБОНОВ,
етақчи мутахассис

Хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши иқтисодий тартиқлаш мақсадида яқин кўришга асос бўлади. Натижада тадбиркорларнинг мустақил ишлаб, эркин фаолият кўрсатиши таъминланади. Зеро, ўз мулкни ўз эга бўлган кишилар иқтисодий-сўғий ва иқтисодий барқарорлигининг асосий таянчи бўлаётганлигини юртимиздаги тадбиркор ва ишбилармонлар мисолида кўраймиз.

ҒУРУРЛИ ХАЛҚМИЗ!

Боз устига, ҳукуматимиз томонидан чиқарилаётган қонун ва қарорлар уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялашга ҳизмат қилаёпти. Ана шу ҳаётбахш қонунлар биз каби оддий деҳқонларга тадбиркорлик қилиб, мустақил ишлашда қанот бўляпти. Истиқлолнинг дастлабки йилларида О.Жуманиёзов номли ширкат хўжалигидан 9 гектар ташладиқ ерни олиб, «Қурбонбой» номли чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалигини тузгандик.

Харакат қилинса, барака шунга яраша бўларкан. Бешта малаҳим олтимиз бошдан ошди. Ташладиқ ердан яхшигина ҳосил олаямиз. Унинг 2,5 гектарига дарахт қўчишти экандик, айни вақтда бемалол иморатга ишлатиш мумкин. Ширкатлардан бўшаб қолган ортиқча ишчи кучидан 15 нафарини доимий иш билан таъминладик.

Етиштираётган маҳсулотларимизни давлатга сотандан қолганини арзон нархларда аҳолига улашяёмиз, бир қисmini эса туман халқ таълими бўлими билан


шартнома тузиб, иккита мактаб ва иккита болалар боғчасига гўшт, сут, қатиқ, туҳум ва пархез маҳсулотини, етказиб бераёғимиз.

Меҳр ва мурувват йилида маҳалламиздаги олти нафар уруш ва меҳнат фаришларини, шунингдек, кам таъминланган, қармоғида ҳеч кими бўлмаган тўртта хонадон аъзоларини оталиққа олганмиз. Бундан ташқари ҳар икки ойда 400 килограмли наввос сўйилди, маҳаллага хайр-эхсон қилишни жамоамиз қанда қилмай келаяпти.

Тармоқни кенгайтириш мақсадида ва ўзимиздан чиқаятган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаб истеъмол бозорига чиқариш учун яқинда қолба-қараш ва пишлоқ цехини қуриб битказдик. Цехимиздан тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорлари бу борада дастуриламал бўлди. Корхонамиз аъзолари ҳам ана шу дастур асосида бир қанча ишларга бошқоқ бўлаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ҳисдорлик жамияти маблагли ҳисобига туман мар-

Мадраҳим ОДАМБОВЕВ,
Қўшқўр туманидаги «Қурбонбой» фермер хўжалиги аъзоси

ХОРАЗМ ТАДБИРКОРЛАРИ



Суратда: сутни қайта ишлаш цехи лаборанти Муяссар Зарипова

10 ТА МАКТАБНИ ЎЗ ҲИСОБИМИЗДАН ТАЪМИРЛАЙМИЗ дейди хусусий тадбиркор Г.Исмоилова

«Исмоил Ўғли Арслон» хусусий фирмаси мустақилликнинг дастлабки йилларидан фаолият кўрсатиб, асосан тижорат ва аҳоли эҳтиёжига мос савдо-сотик билан шуғулланади. Тадбиркорлик жараёнида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириб, ёшларга янги иш ўринлари яратдик. Тўғри, дастлабки кезларда бу биз ўйлаганчак осон кечгани йўқ.

Бирок астойдил интиланганга толе ёр. Банкдан олган қисқа муддатли кредитимиз баракага-барака қўлди. Айни пайтда ҳисоб рақамимизда етарлиқ маблағ бор. Фойда ҳисобидан ўтган йили қўшимча 8 та иш ўрни барпо этдик. Ишлаб чиқаришнинг бир маромада бораётгани саховатли ишларга бош қўшишга омили бўлмоқда. Айниқса, таълим

муассасалари ва соғлиқни сақлаш тизимини моддий қўллаб-қувватлаш жамоамиз фаолият мезонига айланган.

Ўтган даврда ишлаб толган маблағимиз ҳисобидан Урганч шаҳар марказий шифохонасига «Дамас» машинасини совға қилдик. Шаҳардаги санъат гимназиясига 100 минг сўм, вилоят халқ таълими бошқармасига 150 минг, Урганч туман халқ

таълими бўлимига 100 минг, 20-сон меҳрибонлик уйига 100 минг сўм, спортни ривожлантириб, ёшларни ана шу жойларга жалб этиш мақсадида «Динамо» клубига 615 минг, болалар шифохонасига 1.500 минг сўм, вилоят туғруқхонасига 5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами амалга оширилди.

Фикримизча ҳар бир тадбиркор қишлоқ мактабларининг моддий техника базасини ривожлантиришга баҳоли қудрат хисса қўлиши керак. Ният қилдик, бу йил ҳам шаҳардаги 10 та мактаб ва 4 та болалар боғчасини таъмирлаб берамиз.

«ЁШЛАР УЙИ» спорт шинавандаларига

Хива азал-азалдан қўлигул хунармандларини тадбиркорлари билан бирга Пахлавон Маҳмуд каби кўраги ер кўрмаган полвонлари билан ҳам машхур. Аммо шундай вақтлар бўлдики, болалар спортини ривожлантиришда муҳим вазифага панжа орасидан қараб келинди.

Истиқлол эпкинлари халқимиз шууридаги орзуларни рўёбга чиқаришга кенг йўл очди. Спорт, айниқса болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги ҳукуматимиз қарорлари бу борада дастуриламал бўлди. Корхонамиз аъзолари ҳам ана шу дастур асосида бир қанча ишларга бошқоқ бўлаётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Ҳисдорлик жамияти маблагли ҳисобига туман мар-

казида «Ёшлар уйи» мажмуи бунёд этилди. Маъмур мажмуа барча жиҳатдан замон талабига тўла жавоб бериши билан ҳам диққатга сазовор. Бу ерда турли спорт машгулот заллари ҳамда сузиш хавзаларидан тортиб, сауна, ювниши хоналаригача бор. Ҳозирда ҳар кунни 300 нафардан зиёд ёшлар таъмирлаб мураббийлар раҳнамолигида ўзи қизиққан спорт тури билан шуғулланмоқда. Бир сўз бил-

ан айтганда, ҳавас қилгулик шароитларга эга бу маскан ёшларимизни янада жингиласини, барқамол бўлиб вояга етиши учун катта имконият яратди.

Фарзандларимизга у ёки бу спорт тури билан шуғулланишлари учун имконият яратиб бериш билан бир қаторда корхонамиз юксалишига катта хисса қўшган Б.Юсупов хотирасига бағишлаб республика миқёсидаги бокс мусобақаларини аънаванинг тарзда уюштириб келаямиз. Ўтган йили Наврўз байрамини арафасида 15-16 ёшли ўсмирлардан 500 нафари корхона ва ҳомий ташкилотлар аж-

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ КЎКСИДА

Сидқидилдан ўз самарасини Ишнинг тўғрелиги, 60 нафар ҳар жиҳатдан шароит, ишлаб



қилинган меҳнат бера бошлади. Ташкил этилган меҳнат аҳлига яратилган шарт-чиқариш унумдорлигини оширди, ҳам фермер иқтисодини мустаҳкамлаб борди. Бу эса ўз-ўзидан тармоқни кенгайтиришга, етиштирилаётган маҳсулотни шу жойнинг ўзида қайта ишлаб, истеъмол бозорини тўлдиршига йўл очди.

Даромаддан нон ишлаб чиқариш цехи қурилиб, 6 нафар киши доимий иш билан таъминланди. Бу ерда ҳозирда беш хилдаги маҳсулот аҳоли дастурхонига етказиб берилаяпти. Шунингдек, чорвадан етиштирилаётган гўшт, сут, қатиқ, пишлоқ каби маҳсулотлар шу жойнинг ўзида тайёрланиб, «Баҳромжон» ёрлиги билан истеъмолчиларга етказиб берилмоқда. Бир қисmini эса тумандаги иккита мактаб ва учта болалар боғчасига шартнома асосида тарқатилаяпти.

Бундан ташқари, ишбилармон фермер фаолиятини янада тақвиятлаштириб, томат, сабзавотни қайта ишлаш, консервалаш цехларини қуриб ишга туширди. Айни вақтда ушбу цехларда чиқаятган маҳсулотларга талаб катта бўлаётир.

Яқинда жамоа яна бир хайри ишга қўл урди. Германиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда экин майдонининг бир қисмида картошқачиликни ривожлантиришни ўз олдига ният қилди.

Ишлаб чиқаришнинг ўсишида ишчилар моддий фаровонлигининг ортаётгани асосий омил бўлаяпти. 80 нафарга яқин ишчи ҳар ойда ўртача 20 минг сўм маош билан таъминланиш қаторида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, тушликда бепул иссиқ овқат ва меҳнатга қўшимча рағбат яхши йўлга қўйилган.

Фермер хўжалигининг олдидаги режалари ҳам бисёр. Консерва ва томат ишлаб чиқариш цехи линияларини кенгайтириб, маҳсулот айрибошлашда чет давлатлар билан ҳамкорлик қилиш – Баҳромжоннинг ушқалмаган орзуларини ўз маҳсулотлари ила рўёбга чиқаришдан иборат.

Ўтган йили Мустақиллик байрамининг 12 йиллиги арафасида фермер хўжалиги раҳбари М.Раҳмоновнинг тадбиркорлик соҳасида қилаётган ишлари муносиб тақдирланиб, «Шуҳрат» медали кўксини беэзди. Бу эса ишбилармонни янги марралар сари чорлаяпти.

А. ҚОДИРОВ,
журналист

ратган соврин учун куч сиништириб. Голибар бу совриндорлар муносиб тақдирланди.

Меҳр ва мурувват йилида ҳам корхона аҳли ҳомийлик аънаваларини давом эттириб, тумандаги Ал-Хоразмий ва Ҳамза номли мактабларда таълим олаётган кам даромадли оилалардан 15 та-

сининг фарзандларини оталиққа олди. Шунингдек, «Меҳрибонлик уйи»да тарбияланаётган болаларнинг ҳам жамоамиз саховатидан баҳраманд бўлишяпти.

Хушнуд ЮСУПОВ,
Хива туман пахта тозалаш ҳисдорлик жамияти раиси

Хоразм вилоятига Жалолиддин Мангуберди орденини топириш маросимида таъкидланганидек, вилоят аҳлининг асл табииатидан беҳабар бўлган одам, ахир, бу ер Швейцария ёки Греция бўлса, бир қарашда эътиборни тортмайдиган бу жойларни булар нега бунчалик жон дилдан севади, нега бунчалик улуглайди, деб ҳайрон қолши мумкин. Аслида одамзотнинг она бағрида дунёга келиши қандай мўъжиза бўлса, унинг қалбидаги Ватанга муҳаббат туйғуси ҳам ана шундай илохий мўъжизадир. Қимда-ким шу мўъжизани ўз кўзи билан кўрмоқчи бўлса Хоразмга келсин, бу ердаги тадбиркор, ташаббускор кишилар томонидан амалга оширилаётган ажойиб ишларга бир-бир назар ташласин, англиклардан боғабар бўлсин. Ана шунда гурурилик мўъжизалар яратишга қодир эканлигига яна бир бора амин бўлади.

Саҳифани тайёрловчи: Абдусамит ХАКБЕРДИЕВ, «Ишонч» махус муҳбири

Бошлангич таъшилот нуфузи

КАСАБА УЮШМА хусусий ташувчига нима берди?

Хаёт тасодифларга бой. Бугун кўтаринки кайфи-ят билан ишга чиққан ходим орадан бир кун ўтар-ўтмас ботиб қолди...

нингдек, хусусий хайдовчи меҳнат муҳофазаси, ҳаракат ва техника хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилиши лозимлигини теран аниқлашди...

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2003 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш уявлари ва 2004 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган...

Мулкчилик шакли ўзгариб, янги ҳимоя муносабатлар қарор топаётган бир паллада вилоят касаба уюшма кўмитаси ҳам қўл қовуштириб ўтирмай...

Бир қатор йўналишларда хусусий ташувчилар йўл чиптаси асосида ишлагани ўтдирилди. Белгиланган ҳақларга қатъий амал қилган ҳолда, қатнов йўлга қўйилаётганлиги ҳам йўловчиларни қувонтирмади...

Шундай қилиб, хусусий секторда бошлангич таъшилот асос солинди. Бу эса ўз навбатида ушбу жамоаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратди...

Аслида хусусий ташувчи ҳам тадбиркор саналади. У ҳам бошқалар қатори ўз меҳнат натижасидан манфаатдор бўлишга ҳақли. Бугунги кунда биргина Бухоро шаҳрида хусусий ташувчиларни бирлаштирган 20 дан ортиқ турли уюшма, жа-

Мулкчилик шакли ўзгариб, янги ҳимоя муносабатлар қарор топаётган бир паллада вилоят касаба уюшма кўмитаси ҳам қўл қовуштириб ўтирмай, аъзоларини тармоқда самарали меҳнат қилаётган кишилар ҳисобидан кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Ана шу мақсадда ўтган 2003 йилда хусусий ташувчилар билан жойларда семинар ўқувлари, ошқора мулоқотлар ўтказди. Ушлаб меҳнат жамоаларида бошлангич таъшилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Улар ҳисобидан касаба уюшма аъзоларининг сони салкам 500 нафарга кўпайди.

Шундай қилиб, хусусий секторда бошлангич таъшилот асос солинди. Бу эса ўз навбатида ушбу жамоаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратди...

Шундай қилиб, хусусий секторда бошлангич таъшилот асос солинди. Бу эса ўз навбатида ушбу жамоаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратди...

Шундай қилиб, хусусий секторда бошлангич таъшилот асос солинди. Бу эса ўз навбатида ушбу жамоаларда меҳнат қилаётган касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг ишончли механизмини яратди...



«ЮЛДУЗ-ЧЕВАР» ЦЕХЛАРИДА

Қарши туманида тадбиркорлик кенг имконият яратилмоқда. «Юлдуз-Чевар» кўп тармоқли ишлаб чиқариш фирмаси ана шундай меҳнат мевадидир.

Фирма тикувчилик, савдо, сураткашлик, қурилиш-таъмирлаш, сарташлик ишлари билан шуғулланмоқда. Унда ўттиз тўрт нафар ишчи меҳнат қилади. Жамоа ўтган йили 34 миллион сўмлик иш бажарди.

Суратларда: тикувчи (ўнгда) Мавлада Махмудова шогирди Гулжаҳон Ботировага тикув сирларини ўргатмоқда; тикувчи цехи иш юритувчиси Бўстонай Бекниёзова ўз ишидан мамнун.

Ш.ШАРОПОВ (Ўза) олган суратлар

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

Жаҳон таърибасидан маълумки, мамлакат иқтисодий ривожланишида йирик корхона, компаниялар қатори банкларнинг ҳам ўрни бекиб...

кўпайтириш чоралари кўрилди. Шу билан бирга аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш бўйича олиб борилган ишлар ҳам самарасиз кетгани йўқ.

МИЖОЗ ИШОНЧИ

банкда улар сони ортиб бориши билан белгиланади

Истиқлол тенгдоши бўлган Ташқи иқтисодий фаолият билан банк ҳам халқаро талаблар даражасида мижозларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда бугунги кунда пешқадамга айланди.

ташқи иқтисодий алоқа қатнашчилари ташкил этади. Шу боис уларга хизмат кўрсатишнинг ўзига яраша қулайликлари билан бирга мурраккаб-ликлари ҳам бор.

Банкнинг Фарғона бўлими фаолияти билан танишар эканмиз, бу ерда банк-мижоз муносабатлари шаклланиб улгургани ва улар учун барча хизмат турлари мавжудлигига гувоҳ бўлдик.

Биз янги замонада яшамиз, - дея гап бошлади бўлим бошқарувчиси Охун Одилов. - Шу боис замонавий хизматларни омма-лаштириш пайти келди.

Валюта бозорини эркинлаштириш ва айирбошлаш хизматини янада кенгайтириш мақсадида замонавий техник воситалар билан жиҳозланган 15 та шохобчалар ташкил этилди.

Бўлим томонидан нақд пул эмиссиясини қисқартириш, миллий валютанизинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишлар олиб борилди.

Ўтган йил давомида бўлим томонидан нақд пул эмиссиясини қисқартириш, миллий валютанизинг тўлов қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишлар олиб борилди.

Бўлим томонидан амалга оширилган катта ишлардан яна бири мижозларнинг ўз тўлов топширқомаларини электрон имзо асосида ма-софадан туриб амалга ошириш имконияти яратилгани бўлди.

Ўтган йили олинган даромадинг 150 миллион сўми меҳнаткашларнинг ижтимоий

Ноҳиржон ЮСУПОВ, «Ишонч» мухбири

ДИВИДЕНТ ЧЎҒИ ЧАККИМАС

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фукарорлик жамиятини шакллантириш шариоитидаги ҳаракат дастурини қорқоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлаш, мамлакатнинг бой табиий, минерал хомашў саноқийидан самарали фойдаланиш, экспортга мослашган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этиш муҳим вазифа қилиб қўйилган.

Ўжабод пахта тозалаш хиссодорлик жамияти тумандаги йирик саноат корқоналаридан бўлиб, йилига 100 минг тоннагача хомашўни қайта ишлашга ихтисослашган. Маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасидаги жамоа шартномаси ичкилик билан бажарилаётганлиги боис, меҳнат унумдорлиги ортиб, маҳсулот сифати яхшиланиб бормоқда.

Касаба уюшмамиз атрофида 560 нафар аъзо уюшган. Ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимларнинг унумли ишлари учун қулай шариоитлар яратилган. Шу

Меҳнат ва рағбат

қунга қадар меҳнатни муҳофиза қилиш ва техника хавфсизлиги тадбирлари-га 4 миллион 980 минг сўм, махсус кийим-бош ва зарарли шариоитда ишловчиларга сўт-қатқич учун 945 минг сўм сарфланди, - дейди касаба уюшма кўмитаси раиси Абдувалик Хусанов. Жамоада меҳнат қилаётган хотин-қизларни тиббий куриқдан ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Овқатланиш ва дам олиш хоналари мавжуд. Уртача иш ҳақи 45 минг сўм атрофида. Яқинда бу ерда 10 дан ортиқ ўринли тиббий марказ ташкил қилинди.

Ишлаб чиқаришда қисқа технологияда ишлаш кенг жорий этилиб, корхона 190 миллион сўмлик капитал таъмирдан чиқарилди. Ишчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва хомийлик ёрдами кўрсатишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Кўтарма маҳалласида яшовчи кам таъминланган оила-лар корхона оталиғига олинган. Ўтган даврда хайрия жамғармалари-га 1 миллион 425 минг сўм ўтказилди. Мисол учун тумандаги 4-сонли махсус мактаб-интернати, 19-мактаб ва Булоқбоси туманидаги 12-давлоналиш интернати ҳамда бошқа хайрия жамғармалари шулар жумласидандир. Жамоада кўп йиллик таърибаси ва меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлиб, ташаббус кўрсатиб ишлаб қалаётган ишчилар оз эмас. Масалан, Қисман-Зунунов, Каримжон Алиев, Иброҳим Аҳмаджонов, Давлат Исоев қабила-р сўз ва шахсий ибрати билан барчани олға унда-моқда.

Мен Қодиржон Юнусалиев шу корхона-да 1977 йилдан бери чи-лангар бўлиб ишлаб кел-ламан. Ушлаб шогирдлар тайёрладим. Касаба уюш-маси чинакам суянчиги-ми. Зарурат бўлган кез-ларда иштиёқли йўллан-ма асосида энг яхши са-наторийда дам олялмай. Демокриманки меҳнати-ми қадр топмоқда.

Касаба уюшма ташки-лоти цех ва участкаларда ишлаб чиқаришни илмий асосда ташкил қилиш, меҳнати рағбатлантириш ва ҳақ тулашни янада ях-шилаш, интизом ва уюш-қоқликни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар иш шарио-тини яхши йўлга қўйиш юзасидан аниқ тадбир-ларни амалга оширяпти.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Тараддуд ТЕХНИКАГА СУЯНИБ

Ўтган йили Қарши туманидаги Собир Раҳимов номили ширкат хўжалиги деҳқонлари 500 миллион сўмдан ортиқ даромад қилишди. Бундай муваффақиятга эришишнинг асосий омиллари эрга, мулкка бўлган муносабат бўлса, яна бир жиҳати мавжуд техника воситаларининг қўлламиги экиш мавсумига кам-кўстиз тайёрлаш бўлди.



Шу боис, бугунги кунда бу ерда баҳорги экиш мавсумига ҳар томонлама тайёргарлик қўриляпти. Хўжалик машина-трактор паркида бўлсангиз, бунга яққол ишонч ҳосил қиласиз. Устахонага киришингиз билан таъмирдан чиқарилиб, тайёрлов чизигига қўйилган тракторларга нигоҳингиз тушади. Тракторчи ва чилангарлар мавжуд техника воситаларини сошлаш билан банд. Уларга шу ернинг ўзида ис-сиқ овқат тайёрлаб берилди.

соҳасини ривожлантиришга сарфланди. Фойда ҳисобига 2 та қишлоқ врачлик пункти, мактаб бинолари қурилди. Ичимлик суви муаммоларини бартараф этишга ҳам анча маблағ кетди. Хўжалик ички йўллари қайта таъмирлаш ишлари ҳам даромад эвазига олинган маблағ ҳисобидан амалга оширилди.

170 нафар оила пудратчи-лари шартнома режаларини ошириб бажарганликлари боис, анчагина даромад оли-ниб, меҳнаткашларнинг тур-муш шариоитларини яхшилаш-га имкон яратди.

Айни пайтда хўжаликда арив ва зовурларни тозалаш, суяк йўллари тартибга кел-тириш, далаларга маҳаллий ўғит чиқариш каби муҳим тад-бирлар жадаллик билан олиб бориляпти.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири Суратда: илгор созловчи Шухрат Дониёв

«ҚАШТЕКС» ОДИМИ

Ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажмини бир ярим миллиард сўмга өтказган «Қаштекс» акциядорлик жамияти шу вақт мобайнида қарий 400 минг долларлик маҳсулотини хорижга экспорт қилишга эришди.

Акциядорлик жамиятининг бош иқтисодчиси Қундуз Турсуновнинг таъкидлашича, 325,69 минг долларлик ип-қалава, 21,2 минг доллар миқдордаги трикотаж мато, 50,14 минг долларлик тола чигити Германия, Туркия, Белорус давлатларига экспорт қилинди. Хорижлик истеъмолчилар жорий йилда ҳам «Қаштекс» билан ҳамкорликни мустаҳкамлаб, корхона маҳсулотларини харид қилиш истагини билдирмоқдалар.

Швейцариянинг тўқимачилик ускуналари ўрна-тилган «Қаштекс» цехларида барқарор иш мароми таъминланаётгани боис ип-қалава, трикотаж мато, тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, сифати яхшиланимоқда. 617 нафар ишчи меҳнат қилаётган саноат корқонаси маҳсулотининг ҳам ички, ҳам ташқи бозорда харидордир бўлишига интилмоқда. Махбуба Одилова,

«Туркистон-пресс»

Билмайин босдим тиконни, тортадурман жабрини, деган нақл бор халқимизда.

Дарҳақиқат, баъзан нотўри босилган биргина қалам инсон тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Сўнги пушаймон эса хатони тузатишга ожизлигича қолаверади.

Эндигина 16 ёшга қирган Гулбаҳор суднинг қора курсисида бошини эгиб ўтирар экан, 7 йилга озодликдан маҳрум қилинганини эшитиб йилга юборди...

Тўғри, баъзан ҳаёт беша-фқат. Онанининг бевақт ўлими Гулбаҳорнинг елкасига оғир гам юқини ташлади. Эндигина 15 ёшга қирган қиз қанчалик қуюнмасин, эзилмас барибир рўзгор ташвиш-лари, укаларини ювиб тараш энди унинг зиммасида эди. Мактабни ҳам йиғиштириб, тиркичилик ташвишида бозорга чикди. Майда-чуйда нарсалар, кўкат сотиб, арзи-мас бўлса-да, пул топди. Пул-лига қундалик озиқ-овқат олиб қайтарди. Шундай қун-ларнинг бирида раҳматли онанининг таниши Роҳат ис-мли аёлни учратиб қолди. Уни қўриб, кўнгли бузилди, кўзларига ёш келди. Аёл-нинг бўйнига осилиб, йилга-гиси келди, аммо ўзини ту-ди. Тилла тишлари ялтираб, кўзлари ёниб турган аёл ҳам унинг ҳолатини пайқади чоғи, келиб қизни бағрига босди, айланиб, ўргилиб хол-аҳвол суради. Раҳматли дугонаси ҳақида ҳам илиқ гапларни айта туриб, мўғом-билрик билан қизга разм солди.

Киприкларига ёш осилиб турган озгингина қизнинг соддалигини, ширин-ширин гапириб ўз йўлига солса бўла-диган, алдаса лаққа ишонди-ганлардан эканлигини билиб олди. Сўнгра сохта мулойим-лик билан гап бошлади. - Қизим сени қўриб, юра-гим ачишиб кетаяпти, жуда қийналибсан, озиб-тўзиб ке-тибсан. Мактабни ҳам ташлаб юборибсан. Онанг билан қан-

Суддан кейинги ўйлар

даё вазиятни қўлдан бой бер-масдан теъза фойдаланиб қолиш пайти келганини пайқ-аган маккор аёл, қизга энди астойдил меҳр билан, аммо негадир жуда паст овозда деярли қулоғига шивирлаб га-пирди.

- Қизим, кел яхшиси бир иш қиламиз, мен сенга бир нарсა бераман. Сен уни Ўзбекистон-га ўтказиб берасан, холос. Шу хизматинг билан ҳам онанг-нинг қарзини узасан, ҳам ўзингга 100 доллар пул иш-лаб оласан. Утирасанми кўкат

божхона ёнидан оқиб ўтувчи канал ёнида турган йигитларга юкни каналдан Ўзбекистон ҳудудига ўтказиб беришини айтиб, уларга 200 сўм пул бер-ди. Ҳар хил сирғеталардан бир неча пачка жойлаштирил-ган чарм сумкани йигитлар кан-налдан сузиб олиб ўтишди. Гулбаҳор эса сузишни билма-гани учун айланма йўл билан Ўзбекистон ҳудудига ўтиб ол-ган, «мол»ни олиб келишилган-нидек Бекобод шаҳрига олиб бориши керак эди.

У божхона маскани ёнида тўхтаб турган «ВАЗ-21-06» ру-сумли такси ёнига келиб, Бек-обод деҳқон бозорига олиб бориб қўйишни илтимос қил-ди. Ҳайдовчи қизга бир разм солди-да, «майли ўтир, фақат яна 3 киши олишим керак» деди.

Афсуски, фарибгар аёлнинг қувончи кўпга қўзилмади. Не-гаки, Гулбаҳор унга «героин» гийҳвандлик моддасини етқа-зиб беролмай, қўлга тушди. «Тог йўли» постиде милиция ходимларини ҳеч қандай ҳўж-жатсиз ёш қизнинг Ўзбекист-онга ўтиб келаётганин шубҳа уйғотди. Унинг сумкаси текши-рилганда, турли хил сигарета блоклари ҳамда 2001 грамм героин моддаси топилди.

Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича суди томонидан чиқарилган ҳукм нечоғли оди-лона бўлмасин, 16 ёшли қиз-нинг фарибгарга алданиб, гул-деқ ёшлигини ҳазон қилганли-ги ачинарли ҳол. Агар у аёл-нинг макрига учиб нопок ишга қўл урмаганда, бундай ачи-нарли ҳолга тушмасди? Умида БОЛЛИЕВА

ФИРИБГАР ТУЗОФИДА

чалар яқин дугона эдик. Ҳозир сенга бунди айтмасдим, аммо нариги дунёда қара одамнинг бўйнига сиртмоқ бўлиб туша-ди, дейишди. Онанг раҳмат-лининг ҳам менда 1 минг 200 доллар қарзи бор эди. Катта фарзанди сен бўлсанг, нима ҳам қилардинг, онанг шўрлик азоб чекадиган бўлдида нари-ги дунёда. Бечора тиркичли-гида ҳам тузук кун кўрмаганди, дея уф тортиб қўйди.


Киз шу тоғда шу қадар ожиз, шу қадар иложсиз эди-ки, фақат қизига гилт-гилт ёш олганича титрабгина турар, бир сўз дея олма, гўё ўзини айбдор ҳис қиларди. Аёл бил-дики ҳозир онаси учун Гулба-ҳор ҳар нарсига тайёр. Бун-

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

ФАНЛАРГА ҚИЗИҚИШ ОРТМОҚДА

Муқимий номли ўрта умумтаълим мактаби Нишон туманидаги нуфузи баланд таълим масканларидан ҳисобланади. Бу ерда 1300 нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Ёш авлодга билим беришда 80 дан ортиқ ўқитувчилар фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Мукимий номли ўрта умумтаълим мактаби Нишон туманидаги нуфузи баланд таълим масканларидан ҳисобланади. Бу ерда 1300 нафардан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олмақда. Ёш авлодга билим беришда 80 дан ортиқ ўқитувчилар фидокорона меҳнат қилишмоқда.



Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири

Бор бўл, оқибат!

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ»

ЭНГ ГАВЖУМ ГЎША

Йиллар ўтган сайин инсон қарийди. Лекин ташкил топганига 75 йилдан ошган бўлса-да, бу гўша ҳамон ўша-ўша мурғаккина қалбларни бағрига олиб, илиқлик бахш этади. Ҳам ота, ҳам она вазифининг ўтаб келаётган маскан Бойсундаги «Меҳрибонлик уйи»дир.

Тадбир бўронлари учир келган болакайлари бир четдан қузатсангиз, уларнинг авайлаб яшириб юрган она-оналарининг суратларига тикилиб турганлигини гувоҳи бўласиз, — дейди кекса тарбиячилардан бири. Қўзлар ишқиде. Эркалик, шўхлик ва ниҳоят характерлар муросасизлиги қурбони улар. Ана шундай оғир дамларда бу ердаги ўқитувчи, тарбиячи, энгалар, ҳақим ва ҳамширалар улара парвона.

12-сон вилоят «Меҳрибонлик уйи»да 7 миллатта мансуб 180 нафар бола тарбияланади. Ҳар бир гуруҳда 18 нафардан 27 нафаргача тарбияланувчилар бор. Кези келганда таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия ишларига таърибли ва малакали педагоглар жалб қилингани ўз самарасини бермоқда. Ўтган йил давомида тарбияланувчилар турли кўрик-танловларда фаол иштирок этишди. Жумладан, «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасида 2 нафар тарбияланувчи фахрли 1 ўринни эгаллади ва вилоят босқичига йўллана олди.

Айни вақтда бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, мунтазам равишда спорт тўғрисида ишлар турибди. Мураббийлар Т.Шарипов ва Ш.Сатторов эш авлодни баркамол вояга етказиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Азиз болаларнинг бўш вақтларини қизиқарли ва мазмунли ўтиши учун етарли даражада имкониятлар мавжуд. 8 та тўғрак бор. Қўзлар учун юмшоқ ўйинчоқ, рақс ва кўйроч театри, тикув-бичув тўғрақлари, ўғил болалар учун футбол, миллий кураш каби шекаралар фаолият қўрсатмоқда.

Тарбияланувчиларда меҳнат кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида 8 гектар ерда полиз, сабзавот маҳсулотлари етштириляпти.

Толган гул, топмаган бир боғ пиёз, деганларидек, «Меҳрибонлик уйи» хамиша саховатли инсонлар билан гавжуи. Биров у ёки бу корхона номидан вақил бўлиб келса, бошқаси ўзини таништирмай атаган совғасини ташлаб кетади. Яқинда бир ташкилот салкам 60 қути сабзавот шўрваси тақдим этди, бошқа бир мурувватли инсон эса 500 дона рўкча ва қалам-дафтар келтириб берди.

Улар кўп. Улар ҳамма ҳайда бор. Шу боис ҳам болаларнинг маҳзун қўзларидан эл келажакларига умид учқунланмоқда.

Алишер РАҲМОНОВ, «Ишонч» муҳбири

«ЧОРВОҚ ОРОМГОҲИ»

Йил ўн икки ой фаолият кўрсатади

Республикамизнинг Бўстонлик туманида жойлашган Чимён-Чорвоқ курорт зонаси ўзининг ёзи мавсумига тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш марказида қад қўтарган дам олиш масканлари денгиз сатҳидан 1300-1600 метр баландликда бўлиб, соғломлаштириш ва ҳордиқ чиқариш учун катта қулайлик туғдиради. Бу ҳудуднинг ён-атрофи ям-яшил манзара касб этади. Катта Чимён тоғи этагида оқиб ётган булоқларнинг ҳам ўзига яраша гашти бор. Ёзининг хазирама қунарларида бу ҳудудда ҳарорат 25 даражадан ошмайди.

Шу муносабат билан «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш маркази немис фирмаси билан шартнома тузди. Узаро келишув бўйича фирма бунёдкорлик ишлари ҳамда уни жиҳозлаш учун кўп миқдорда маблағ ажратди. Шунинг билан «Чорвоқ оромгоҳи» фирмаси филибликни қўлга киритди. Шу муносабат билан «Чорвоқ оромгоҳи» соғломлаштириш маркази немис фирмаси билан шартнома тузди. Узаро келишув бўйича фирма бунёдкорлик ишлари ҳамда уни жиҳозлаш учун кўп миқдорда маблағ ажратди. Шунинг билан «Чорвоқ оромгоҳи» фирмаси филибликни қўлга киритди.

Ушбу иншоотни қуриш бўйича мам-

лакатимизда халқаро тендер ўтказилди. Бу беллашувда Германиянинг «Инпро ГМБХ» фирмаси филибликни қўлга киритди.

Ақбар АЛИЕВ

Республикамизнинг кўрғазмаси ҳисобланган «Узэкспомарказ» ўзининг ёзи мавсумини бошламоқда.

МАВСУМ ОЛДИДАН

Янги мавсумда кинолекторий ҳам фаолият қўрсатади. Марказнинг асосий навиларини ёнидаги кўркам бино эса таъмирдан чиқарилиб, кинолекторий ижтимоий фаолиятини амалга оширган эди. Бу борада орттирилган бой таъриба янги спорт мажмуасини қуришда кўл келди. Чимён-Чорвоқ курорт зонасида йил ўн икки ой фаолиятини таъминлаш ҳамда республикамиз аҳолисини, чет эл фуқароларининг дам олишларини таъминлаш мақсадларини қўзда тутувчи ушбу йўриқномани амалга ошириш жараёнлари бўйича тадбирлар режаси ҳам тайёрланмоқда.

«Оромгоҳ» деб номлангандаги компанияни тузиш ҳам режалаштирилди. Бу компания Чимён-Чорвоқ курорт зонасида янги қурилиш лойиҳаларини тайёрлаш, бунёдкорлик ишларини олиб бориш билан яқиндан шугулланади.

Ақбар АЛИЕВ

Оммавийлик сари

Кейинги йилларда Хоразм вилоятида оммавий спорт ишларини ривожига жиҳодий суратда эътибор берилди. Айни пайтда вилоят ҳудудида 16 та ўйингоҳ, 486 та спорт зали, 8 та бассейн, 65 та теннис корти, 532 та баскетбол, 620 та волейбол майдончалари, 462 та қўл түпи майдончаси, 539 та катта ва минни футбол майдончаси мавжуд.

6 ЁШДАН 17 ЁШГАЧА

2003 йилда қабул қилинган дастурга мувофиқ Янгибозор туманида лойиҳа қийматлари 142,1 миллион ва 153,7 миллион сўм миқдорда бўлган иккита спорт мажмуалари қурилиш фаюдалари қўйилди. Шунингдек, Хазорасп туманидаги «Хоразм» ширкат ҳужалиги ҳудудида 2-тип болалар спорт мажмуаси қурилиши бошланиб, айни пайтда бу мажмуада сўғитки пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, Урганч туман марказидаги ўйингоҳ, Богот тумани «Дехқонбод» ширкат ҳужалигидаги спорт майдончаси қайта таъмирланди, ишга туширилди.

Утган йили Хоразм вилоятида «Умид ниҳоллари 2003» республика спорт мусобақаларининг финал босқичи ўтказилиши муносабати билан Урганч шаҳридаги «Хоразм» спорт мажмуаси ва янги қурилган «Олимпия заҳиралари» спорт коллежи жаҳон андозларига мувофиқ ҳолатда фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Богот, Хонка ва Хива туманларидаги бош ўйингоҳлар мукамил таъмирланди.

Айни пайтда шаҳар ва туманлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида, умумтаълим ва касб-хўна таълими ўқув муассасаларида жисмоний тарбия дарслари, спорт машғулотларини юқори савияда ўтказиш учун талаб қилинадиган зарур асбоб-анжомлар билан таъминлаш ҳамда спорт иншоотларини таъмирлаш бўйича қилиниши лозим бўлган ишлар режа асосида амалга оширилмоқда.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали, халқ таълими ўрта махсус ва касб-хўна таълими бошқармалари ҳамкорлигида спорт билан



Э.ЭРМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

Каратэ

СОФИЯНИНГ ОЛТИНЛАРИ

Кеча Ўзбекистон каратэ Миллий Федерацияси ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Каратэ усталиримиз яқинда яқунланган Осиё VI-чемпионати баҳсларида муносиб иштирок этдилар, деди матбуот анжуманининг онач экан Ўзбекистон каратэ Федерацияси президенти Нурхон Нафасов. Спортчиларимиз 3та олтин, 2 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида каратэ ватани вакиллари японияликлардан кейин иккинчи ўринни қўлга киритдилар.

Дарҳақиқат, дунёнинг 23 мамлакат вакиллари қатнашган ушбу нуфузли мусобақада спортчиларимиз иштироки тахтинга лойиқдир. Ўзбекистон терма жамоаси бу баҳсларда 12 нафар каратэчи билан иштирок этди. 2001-йилги Осиё чемпиони София Каспалатова энг кучли эканлигини яна бир бора

исботлади. У юртимизга 2 та олтин медални келтирди.

Шунингдек, тошкентлик Отабек Қосимов ҳам 55 килограмм вазнда шохсупаннинг юқори поғонасидан жой олди. Рустам Гофуржонов ва Илҳом Каримовлар эса бронза медалларни қўлга киритди. Юқорида номлари келтирилган спортчиларнинг барчаси «Халқаро тоифадаги спорт устаси» нормативини бажардилар. Отабек Қосимов эса ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистонда хизмат қўсатган спортчи» унвони билан тақдирланди.

Матбуот анжуманида яқинда бошланган болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати баҳсларига тайёргарлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Йилги давомда журналдаги ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

А.ЮНУСОВ, «Ишонч» муҳбири

Эл соғлиғи йўлида ЖОНГА-ЖОН ШИФОКОРЛАР

туғилишини таъминлашдек эзгу мақсад йўлида самарали меҳнат қилишяпти. Марказ раҳбари — олий тоифали шифокор, таърибли акушер-гинеколог Фарида Султанова бошчилигида қўллаб-қўллай ишлар амалга оширилмоқда.

Тиббий масканимизда физиологик туғруқ, чақалокларни интенсив даволаш, жонлантириш каби бир неча бўлим самарали фаолият юритяпти, — дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари. — 2 та жарроҳлик бўлимида эса



К.АБДУЛЛАЕВ Икром ХАСАНОВ олган суратлар

НОЁБ АРХЕОЛОГИК ЭКСПОНАТЛАР

Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспонатларга бой. Экспонатларда ўлка тарихини ёритишга хизмат қилувчи археологик осори-атикалар ҳам талайгина.

Бугунги кунда 130 йиллик тарихга эга бўлган бу археологик фонди яратиш устида мутахассислар иш олиб боришмоқда. Музейнинг катта илмий ходими Вазген Миносян эса археологик фондини пухта эгаллаган мутахассис сифатида яхши танилиб қолди.

Бу каби фидойи ходимлар археологик фондининг юзага келиши тарихини тадқиқ этишга бел боғлашган. Ана шу жараёнда Яхё Гуломов, Гулино Пугаченкова, Аҳмадали Асқаров каби йирик археолог олимлар қўрсатган саъй-ҳаракатлар ҳам атрофлича ўрганилади.

Тарихий ёдгорликларни реставрация қилиш масаласи бўйича қўллаб-қўллай материаллар тўпланганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

А.АҚБАРОВ

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшма марказий кўмитаси Ўзбекистон Республикаси деҳқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг раиси Соҳибжон Қобиловага падари бузуковни ШЕРХОН отанинг вафот этганини муносабат билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Соҳидов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақидиланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сўтулуда эркин нархда.